

Рамазондаги танбеҳлар!



18:22 / 15.03.2024 2286

Баъзи рўздорларнинг ифтор пайтидаги дуодан ғафлатда қолиши хатодир. Ифтор пайтидаги дуо суннатдир. Бунда рўздор учун улкан фазл бор ва ундаги дуо рад этилмас. Рўздорнинг ифтор пайтидаги дуоси ижобат қилингандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч дуо рад этилмайди: ота-онанинг дуоси, рўздорнинг дуоси ва мусофирнинг дуоси»**, деганлар.

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Оғизни очгач, қуйидаги дуони айтиш ҳам суннатдир: «Заҳабаз-зама'у вабталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳу таъаалаа» (Чанқоқлик кетиб, томирлар хўлланди, иншааллоҳ, ажрлар ёзилди).

Абу Довуд ривоят қилган.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Рамазон ойида менинг умматимга мендан аввалги пайғамбарларга берилмаган беш нарса берилди:

Биринчиси, Рамазон ойининг аввалги кечаси Аллоҳ уларга (раҳмат) назари билан боқади, кимга Аллоҳ раҳмат назари билан боқса, уни ҳеч ҳам азобламайди.

Иккинчиси, уларнинг оғзидаги ҳид Аллоҳ ҳузурида мискнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқ бўлади.

Учинчиси, фаришталар уларнинг ҳақларига туну куни стиғфор айтадилар.

Тўртинчиси, Аллоҳ аzza ва жалла жаннатига: «Бандаларим учун тайёрлангин ва безангин. Улардан тезда дунё қийинчиликлари, ташвишлари кетиб, Менинг жаннатим ва зиёфатимга келадилар», дейди.

Бешинчиси, Рамазоннинг охириги кечаси бўлганда, уларнинг барчасини Аллоҳ мағфират қилиб юборади», деган эдилар, (атрофдагилар): «Эй Аллоҳнинг Расули, у Қадр кечасими?» дейишди.

Шунда у зот: «Йўқ! Агар ишчилар ишларини тугатсалар, ҳақлари тўлиқ қилиб бериладими?!» Яъни, бу мукофот улар рўзани тўлиқ тутганлари учун берилади, Қадр кечасининг савоби алоҳида берилади).

Насоий ва Байҳақий ривоят қилишган.